

учинчи, давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар)

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ

ҚУДУҚ ЧОРАСИЗЛИКДАН ҚАЗИЛАДИ

Ер ости сувларидан ноўрин фойдаланиш масаласида маъмурий жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланмади



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракцияси ҳамда «Адолат» СДП фракциясининг қўшма йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Айтиш керакки, Ўзбекистон ХДП ва «Адолат» СДП фракцияси аъзолари томонидан мазкур қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланмаган ва жорий йил 15 март кунини Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси кун тартибидан чиқарилган эди. Сабаби, аҳоли манфаатлари ҳамда жойлардаги ўрганишлар давомида билдирилган муаммолардан келиб чиқиб, депутатлар томонидан қатор масалалар кўтарилган. Саволларга қониқарли, асосли жавоб олинмагани учун лойиҳа қайтарилган. Бу гал ҳам фракциялар аъзолари ўз позицияларини билдирди.

— Қонун лойиҳасида ер ости сувларидан рухсатсиз сув олиш масаласи бўйича жавобгарликни кучайтириш кўзда тутилган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси Бунёд Эшонкулов. — Яъни сув қудуқларини қазийнинг белгиланган қоидалари ва технологиясини

бузганлик, қудуқларни рухсатсиз қазиганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиш назарда тутилмоқда. Ушбу ҳуқуқбузарлик қайта содир этилса, жарима миқдори янада оширилиши таъкид этиляпти. Фикримизча, мавжуд қудуқларни ёпиб ташлаш ёки жаримага тортиш масаланинг ечими бўла олмайди. Аҳолини сув билан таъминламасдан туриб, турли жавобгарлик белгиланиши норозиликларга сабаб бўлади.

Фикримизча, аввало, ер ости сувларидан самарали ва тўғри фойдаланиш ҳақида жамоатчиликка тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориш зарур. Бу орқали чучук сув захирасини тежаш имкони ортади.

Қаерда сув кўп, қайси ҳудудларда камроқ экани бўйича аниқ маълумотга эга бўлиш ва ана шу асосда

сувдан фойдаланиш меъёрларини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Кимдир аҳолига ёрдам бериш мақсадида ўз маблағларини жисбага қудуқ қавласа, уни жавобгарликка тортиш эмас, унинг ишини қонунийлаштириш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, сувдан тежаб, оқилонга фойдаланиш борасида йўл-йўриқ кўрсатилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

— Қонун қабул қилиниши халққа қўшимча қулайлик ҳамда имконият яратиб бериши керак, яъни давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қонуннинг ижодкори ҳам, муаллифи ҳам халқ бўлиши керак, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев. — Қонун лойиҳасида назарда тутилгани каби жарима белгиланса, муаммо ечим топишига қафолат борми? Қолаверса, бундан аҳоли қандай манфаат кўради?..

Фракциямиз фикрича, ер ости чучук сувлари қудуқларини қазийнинг эмас, бургулашнинг белгиланган қоидалари ва технологиясини бузиш, сув учун қудуқларни рухсатсиз бургулаш учун жарима белгилаш тўғри бўлади. Чунки қазий тушунчаси билан бургулаш тушунчаси ўртасида катта фарқ бор. Бундан ташқари, қонун лойиҳасидаги таъкид Вазирлар Маҳкамасининг Ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига ҳамда шу асосда тасдиқланган Ер ости сувларига қудуқларни бургулаш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга тўғри келмайди.

Низомга кўра, ер ости чучук сувларидан ноқонуний фойдаланишга йўл қўймаслик рухсатнома беришнинг асосий мақсади ҳисобланади. Яъни бу орқали сувга бургулаш ишларининг амалга оширилишини ҳисобга олиш, ер ости сувларига қудуқларни бургулаш фаолияти ва уларни назорат қилишни тартибга солиш ҳамда ер ости сув катламларини сақлаш назарда тутилган. Қонун лойиҳаси бу масалада номунасобиблик юзага келтирмоқда. Фракциямиз аъзолари аввало шу вақтга қадар бургуланган сув қудуқларини тартибга солиш, шундан сўнг улардан ноқонуний фойдаланганлик учун жарима белгилаш керак, деб ҳисоблайди.

Фикримизча, қонун лойиҳасидаги меъёрларга аниқлик киритиш лозим. Қудуқ ҳавасга эмас, чорасизликдан қазилади. Одамларни ичимлик суви билан таъминламасдан туриб, улар фойдаланган қудуққа таъқиқ қўйиш, ёпиш мантиққа ҳам, инсонпарварлик тамойилига ҳам зид, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун масалани ҳар томонлама пухта ўйлаб, фуқароларга тоза ва истеъмолга яроқли сув етказиб бериш муаммосини оқилонга ҳал қилиш талаб этилади.

Йиғилишда депутатлар томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича тақлифлар билдирилди.

Муҳокама қилинишида ҳар икки партия фракциялари аъзоларининг аксарият қисми ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўллаб-қувватламади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БРИФИНГ

Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар иштирокида 24-26 апрель кунлари «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади.

ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

— Конференцияда 30 дан ортиқ мамлакатдан нуфузли хорижий экспертлар ва олимлар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, парламент аъзолари, мамлакатимиздаги суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳақидаги маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этиши кўтилмоқда, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев. — Анжумани ўтказиш гоёси Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро иш берувчилар ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ҳамда мазкур конфедерациянинг Умумевропа ҳудудий кенгаши томонидан қўллаб-қувватланди. Конференция Ҳаракатлар стратегияси асосида сўнгги бир ярим йил ичида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш борасида амалга оширилган тизимли ислохотлар ва уларнинг натижаси, мамлакатимизнинг янги иқтисодий ва сиёсий қиёфасини дунё ҳамжамиятига намойиш этиш, хорижий экспертларни бу борада амалга оширилган ишлар билан яқиндан таништириш ҳамда мазкур йўналишдаги хориқ тажрибасини ўрганиш мақсадида ташкил этилмоқда.

— Ялпи мажлисдан бир кун аввал барча хорижий иштирокчиларнинг Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятига саёхати режалаштирилган, — дейди Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудир Маҳмуджон Исаев. — Улар мазкур ҳудудларга ташриф давомида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат ва ислохотларнинг натижаларини оддий одамлар ҳаётида ўз кўзлари билан кўриш имконига эга бўлади. Хусусан, хорижий иштирокчилар

“ Анжумани ўтказиш гоёси Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро иш берувчилар ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ҳамда мазкур конфедерациянинг Умумевропа ҳудудий кенгаши томонидан қўллаб-қувватланди.

соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти, ижтимоий инфратузилма объектлари, аҳолининг кам таъминланган тоифалари учун қурилаётган арзон уй-жойлар мажмуалари, меҳнат жамоалари ва аҳоли хонадонларида бўлади. Ушбу ижтимоий объектларда улар фуқаролар учун яратилган қулайлик ва имтиёзлар, меҳнат шaroитлари, давлат органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг самарали ижтимоий шериклиги натижасида ҳодимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида эришилаётган ижобий натижалар билан танишади.

Халқаро конференция бевосита ижтимоий-меҳнат масалаларини ҳал этиш билан шугулланувчи анжуман иштирокчиларнинг тақлифлари, фикрлари ва тажрибаларини конструктив муҳокама қилиш учун майдон ва-зифасини ўтади. Анжуманининг айнан шу форматда ўтиши Ўзбекистоннинг дунёга очиклигини, мазкур йўналишда илгор халқаро ва хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда ҳаётга таъбиқ этишга тайёр эканлигини намойиш этади.

Халқаро анжуманининг биринчи ялпи мажлиси 25 апрель кунини «International Market Tashkent» ҳамда «Xalqaro Hamkorlik Markazi»да бўлиб ўтади. Секция йиғилишларида аҳолининг реал даромадлари ва бандлиги даражасини ошириш орқали ижтимоий ҳимояни кучайтириш, фуқаролар ва улар сoлoмaтлигини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, арзон уй-жойлар қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини амалга ошириш, фан ва таълим соҳасини ривожлантириш истиқболлари, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари қамраб олинади.

26 апрель кунини ялпи мажлисда секциялар модераторларининг тақдиротлари эшитилади ҳамда халқаро конференциянинг якуни бўйича тавсиялар қабул қилинади.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ:

биринчи чоракдаги натижаларни қониқарли деб бўладими?..



Боймурод ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши бўлим бошлиғи:

— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиянинг гуруҳлари, яъни депутатларимиз фаолиятини кучайтириш вақт ўтган сайин долзарб масалага айланиб бормоқда. Чунки ҳудудларда қай даражада таъсир кучига эга бўлишимиз шунга бевосита bogлиқдир.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг вазифалари юзасидан чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Унга мувофиқ республиканинг барча туман ва шаҳарларида муаммоларга жойида ечим топиш механизми жорий этилмоқда.

Жумладан, ҳар ойнинг дастлабки ўн кунлигида муайян ҳудудларда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан биргаликда ўрганишлар ўтказмоқда. Бунинг натижасида бир қатор масалалар жойида ечим топишмоқда. Партиямиз кенгашлари қoшидаги 207 та Жамоатчилик қабулхонасига шу йилнинг биринчи чораги давомида 3200 га яқин мурожаат тушган бўлиб, уларнинг аксарият қисми имкон қадар жойида ҳал этилмоқда.

Мурожаатлар мазмунини таҳлил қилинганида бандлик, ёш оилаларга уй қуриш учун ер участкаси ажратиш, қишлоқ врачлик пунктлари ишини тубдан такомиллаштириш, болаларни мактабга таълим муассасаларига қамраб олиш ҳажмини ошириш масалалари долзарб экани аён бўлди.

Фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишда депутатлик сўрови имкониятидан кенг фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Шу йилнинг биринчи чораги давомида жами 2000 дан ортиқ депутатлик сўрови юборилган бўлиб, уларнинг 1200 дан кўпроги ижобий ҳал бўлган, қолган сўровлар депутатлар назоратида турибди.

Ислохотлар ҳаётийлиги, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб қувватлашда барча даражадаги партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг узвий ҳаракат қилишига эришмоғимиз лозим.

Ҳаракатларимизни барлаштирадиган мақсадлардан бири бу — партияимизнинг Ҳаракат дастуридир. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида ушбу дастур асосида партияимиз гуруҳлари 251 масалани кўриб чиқди. Шундан 172 масала доимий комиссияларга, 65 таси эса сессияларга олиб чиқилди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз гуруҳлари ташаббуси билан 56 марта ижро ҳоқимияти вакиллари ҳисоботлари эшитилган. Келгусида бундай эшитувларни янада кўпайтиришимиз, энг муҳими, уларнинг аниқ натижа беришига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур бўлади.

Ҳудудлардаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар орқали партия гуруҳларига яқиндан кўмаклашилмоқда.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаларини жамоатчилик билан муҳокама қилиш мақсадида фуқаролардан, жойлардаги маҳаллий Кенгашлар депутатларидан фикр ва тақлифлар олиш тартиби кенг жорий этиляпти. Қонун лойиҳалари бўйича давра суҳбатлари, жамоатчилик баҳслари ўтказилляпти.



Самарқандда «Ислом Каримов — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асосчиси» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ — ЛИГИНИНГ АСОСЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ислом Каримов номидаги хайрия жамоатчилик фонди ва бошқа вазирлик, идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юртимиз ва хориқлик тарихчи олимлар, сиёсатшунослар, жамоат арбоблари иштирок этди.

Конференциянинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, Ислом Каримов номидаги хайрия жамоатчилик фонди таъсисчиси Т.Каримова, Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Т.Ширинов, Самарқанд давлат чет тиллар институтидagi Конфуций институтининг Хитой томонидан раҳбари Лю Тао, Қозоғистон-немиш университети бўлим бошлиғи Раушан Серик ва бошқалар Ислом Каримовнинг мустақил Ўзбекистон давлати, асосчиси сифатида амалга оширган ишлари ҳақида сўз юритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ислом Каримов номига абадийлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар туфайли Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарларида Биринчи Президентимиз ҳайкаллари ўрнатилди. Ислом Каримов дафн этилган Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр масжиди мажмуасида миллий меъморчилик анъаналари асосида мақбара ва кўркам зиёратгоҳ барпо этилди. Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳи Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси сифатида қайта ташкил қилинди. Жорий йил январь ойида мамлакатимизда буюк давлат арбоби, мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги илмий, маданий алоқаларнинг ёрқин ифодаси сифатида Ўзбекистоннинг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Конфуций институтлари очилиши ёки Хитойдаги нуфузли университетларда ўзбек тили кафедралари ташкил этилиб, ҳамкорликда мутахассислар тайёрланаётгани Ислом Каримов номи билан узвий bogлиқ, — дейди Самарқанд давлат чет тиллар институтидagi Конфуций институтининг Хитой томонидан раҳбари Лю Тао. — Чунки икки давлат раҳбарларининг ҳар бир учрашувиди бу борада ҳамкорлик юзасидан битимлар имзоланиб, илмий-гуманитар алоқаларимиз йил сайин мустаҳкамланди. 2014 йилда Самарқандда ташкил этилган институтимиз ҳам давлатларимиз раҳбарларининг 2013 йилдаги учрашувлари чоғида эришилган келишувлари маҳсулидир. Айни пайтда бу ерда ўзбекистонлик ёшларга хитой тили ва маданияти ҳақида кенг тушунча берилмоқда.

Ялпи мажлисдан сўнг шуъбаларга бўлинган ҳолда, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва мустақамланиши, халқаро алоқаларни ривожлантиришда Ислом Каримовнинг қатъиятли сиёсати, беқиёс ўрни ва роли ҳақида маърузалар тингланди.

Халқаро конференция иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги Ислом Каримов мақбара мажмуасини зиёрат қилди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

ХАЛҚИМИЗ МЕХРИНИ ҚОЗОНГАН АДИБ

Чингиз Айтматов асарларида қаламга олинган ижтимоий ва ахлоқий муаммолар, севги-муҳаббат, ҳис-туйғу, нозик кечинма, висол онларию айрилиқ изтироблари, овулдаги маиший ҳаёт манзаралари, адолат ва ёвузлик ўртасидаги мангу кураш, глобаллашув замонининг баданни жунжиқтирувчи шамоллари бир минтақа ёки бир миллатга эмас, бутун инсониятга, унинг ютуқ ва камчиликлари, зукколигию беғамлиги бирдек тааллуқлидир. Шу боисдан ҳам адиб асарлари ҳамма жойда: Осиё ва Африкада, Европа ва Америкада дунё тилларига муттасил таржима қилинади, қайта-қайта нашр этилади, севиб мутлолаа қилинади. Кучли мунозараларга сабаб бўлади, ҳар бир асар ҳақида унинг ҳажмидан бир неча баробар кўп илмий таҳлиллар, баҳсли мақолалар, тақризлар, баъзан эса раддиялар ҳам ёзилади.

Айтматов асарлари ўқувчини фикрлашга, ҳаётни кузатишга, одамлар ва уларнинг талаб-эҳтиёжларига яқинроқ бўлишга, бир-бирларини тушунишга, воқеа-ҳодисалар моҳиятини идрок этишга ва улардан хулоса чиқаришга ундайди.


Адиб ижодининг етакчи хусусиятларидан бири шуки, у ўз фикри, дунёқараши ёки бирор воқеага муносабатини ўқувчига тикиштирмайди, фақат мана шу — ҳақиқат, бошқиси бекор, демайди, аксинча, тўғри йўл ва тўғри ечимни топишни унинг ўзига қолдиради. Бу эса асарларининг таъсир кучи, бадий-эстетик қуввати ва тарбиявий аҳамиятини оширади. Буни «Жамила», «Момо ер», «Эрта келган турналар», «Оқ кема», «Соҳил бўйлаб чапаятган Олапар», «Кассандра тамғаси» асарларида яққол кўриш мумкин. Улардаги қаҳрамонларнинг тақдирини ҳар хил, бири иккинчисидан кескин фарқ қилади, аммо самимийлик, очик кўнгилчилик, меҳнатсеварлик, тақдир зарбаларига қарши курашиш туйғуси уларни бирлаштириб туради. Шу боис ўқувчи Жамила ва Дониёрни, чўпон Танабойни, Бола ва Мўмин чолни, биринчи ўқитувчини, Эдигей ва Абутолибни, Авдий ва Бўстонни чин дилдан севиб қолади, уларни ўзининг эски қадрдонларидай қабул қилади. Қариб, мадордан кетган Гулсор от, қувинига учраган бўри Акбарга, неча авлодлари учун паноҳ бўлган жойидан маҳрум этилаётган аламзада Жаабарсга ачинади кетади.

Бадий адабиётда бу даражага эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Чингиз Айтматовнинг маҳорати шундаки, у ўзи дилдан ҳис этган, маъно-моҳиятини англаган, ёзувчилик, зиёлилик қалбини безовта қилган воқеа-ҳодисалар ҳақида ёзади.

Адибнинг шеърлари ижоди бадий адабиёт ихлосмандлари қаторида бошқа касб эгаларини ҳам ўзига оҳанрабодек тортади. Бунинг боиси шуки, Чингиз оға бутун ижоди давомида нанкин бугуннинг, айни чоғда эртанинг, яқин келажаkning ҳам фаёуллода муҳим, бошқалар айтишга журъат эта олмаётган муаммоларини ўзига хос жасорат, синчковлик билан тадқиқ этди. Халқнинг тилида ва дилида турган, пишиб етилган, айтилмас бўлмайдиган гапларни катта ижодий жасорат билан жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этди. Унинг ҳар бир чиқишида аниқ ижтимоий позиция, тиниқ ва ўткир нуқтаи назар бўлади.

Айтматов ҳар қандай ҳолатда ҳам баҳсга киришишдан, бошқаларни тинглашдан чўчимади, кимларнингдир тайёр, бировга озор етказмайдиган хулосалари ёки муносабатига суянмади. У қирғиз адабиётига янги шакл ва мазмун, янгича шижоат олиб кирди, ижод умрининг охиригача ўз сўзини айтматовчасига дангал ва ошқора айтиб келди.

Чингиз Айтматов ўзбек китобхонларининг ҳам сеvimли адаби эди. У Ўзбекистонда она юртидагидан кўра ҳам машҳур десак, муболага бўлмас. Айтматовнинг деярли барча асарлари ўзбек тилига маҳорат билан ўғрилган, неча юз минг нусхада қайта-қайта босилиб чиққан. Айтматов қалбдан ҳам, иккиннинг руҳи, мавзулари, қаҳрамонларининг ўй-хаёллари билан ҳам бизга яқин қадрдон эди. Адиб қиссаларининг воқеалари асосан қирғиз диёрида кечса-да, уларда бир вақтлар ягона Туркистон номи билан аталган қадим минтақага бевосита дахлдорлик,



дардқашлик, куюнчаллик бор. Айтматов ўртага ташлаётган муаммолар, уни ташвишга солаётган, ўйлантираётган жумбоқлар қирғизу қозоққа, ўзбеку тожикка, туркману қорақалпоққа баробар тегишлидир.

Чингиз Айтматов миллий адабиёт ривожини тоғ чўққилари қадар юксакликка кўтара олган, ноёб истеъдоди ва ижодий жасорати билан дунёни ҳайратга сола билган адиблар сирасига киради. У адабиётдаги мафкуравий бир хилликни, мафкуравий анъанавийликни қутилмаганда бузиб ташлади. У ўз ўқувчиси ҳамма учун таниш бўлиб қолган равон, бехатар йўللarga эмас, чағир тошлардан иборат машаққатли сўқмоқларга, баланд доvonларга етаклади. Китобхонни ортиқча қийнамайдиган, толиқтирмайдиган енгил ечимлардан воз кечиb, дастлабки ҳикоялари, публицистик мақолаларидак ҳаётда текис йўллар, бахтли интиҳолар билан бирга қалтис тасодифлар, хавфли бурилишлар, боши берк кўчалар, етиб бўлмас манзиллар ҳам борлигини ургулади.

Айтматов ижоди адабиётшунос олим ва таржимон Асил Рашидов тўғри таъкидлаганидек, «Ўз-ўзидан, кўппа-курۇқ заминда юзага келмади. Аксинча, бир халқ иккинчисидан, ёш авлод кекса авлоддан, бир ёзувчи иккинчи ёзувчидан сабоқ ўрганиб келгани сингари унинг ноёб истеъдоди ҳам мавжуд ижтимоий шароитда ва янги тарихий заминда юзага келди ва тез суръатлар билан раvнақ топа билди». Айтматов ижод оламига қирғиз адабиётидаги, тоғ ва дашт ўлкаси деб ном олган бу қадим тупроққа ёндош бошқа миллий адабиётлардаги, хусусан, ўзбек адабиётидаги энг сара тажрибаларни чуқур ўзлаштирган, маъзани чаққан ҳолда кириб келди, десак хато бўлмайди. Мухими шундаки, Чингиз оға собиқ тузумнинг қон-қонимизга, онг-шууримизга сингиб кетган мафкуравий қадриятларидан воз кечиш пайти келганини бошқалардан кўра эртaroқ пайкади. Адабиётшунос олим Қ.Бўбулов айтганидай, Айтматов ўзидан олдинги касбдош оғаларнинг бешигида улғайган бўлса-да, бундан бўён (яқинлашиб келаятган янги шароитда) бу иссиқ бешиқда тинч, бамайлихотир ётавериш мумкин эмаслигини сезган эди.

Тадқиқотчи олим К.Асаналиев Айтматов ижодида хос хусусиятлардан бирини мана бундай изоҳлайди: «Чингиз Айтматов ўз сўзига, ижодида ёлгон аралаштирмаган, қаҳрамонларига ҳеч қачон ёлгон бир сўз ҳам демаган, ҳақиқат қанчалик оғир бўлмасин, уни тағ-туғигага айта олган ёзувчилар сирасига киради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у аёвсиз чинсўз, ростгўй ёзувчи. Қаҳрамонига, асарига нисбатан аёвсизлиги ёзувчига хос оқ ниятдан, турмушда учраб турадиган зиддиятларни сийпаламай, тараб-бутамай асл ҳолича айтиш мақсадида келиб чиқади».

Чингиз Айтматов Ўзбекистон ҳақида, халқимизнинг жасоратли меҳнати, ақл-заковати, тарихи ва буюк келажи тўғрисида ўнлаб мақолалар ёзган. Машҳур «Пахтанинг ойдин йўли» мақоласи ўша йилларга хос меҳнат жасоратини ўзида тўла ифода этганди. Унда гап фақат пахта ҳақида, ўзбеклар уни қийиллатиб экишти тоғ тўкиб йиғиштириб олиши хусусида эмасди. Айтматов ўшанда катта минбардан туриб халқимизга, унинг

маънавий-ахлоқий қадриятларига ҳурмат-эътиборини изҳор этган эди.


Чингиз оғанинг халқимизга бўлган меҳру-муҳаббати чиндан ҳам чексиз эди. Ҳар гал юртимизга келганида қаламқаш дўстлари билан ижодий суҳбатлар қуради. Содир бўлаётган ўзгаришлардан худди шу эл фарзандидай фахрланарди. Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў-эътибори ошиб бораётганидан мамнуnлик изҳор қиларди. Биринчи Президентимиз Ислоm Каримовнинг Туркистон бирлиги гоёсини биринчилардан бўлиб қувватлаган ҳам Чингиз Айтматов бўлди. Шу мавзуда пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари зиёлиларининг таъсис қурултойида Айтматов маънавий бирлик заруриятини қатъий ҳимоя қилди, маънавий бирлик — янги тарихий шароитда миллий юксалиш ва тараққиётга элтувчи ягона тўғри йўл эканлигини гоёта куюнчаллик билан изоҳлаб берди.

Биз, адабиётчилар янги тарихий шароитда янги муаммоларга дуч келдик, — деган эди адиб. — Адабиётнинг бугунги вазифаси кечаги ўтган кунимиздаги вазифадан, зиёлининг жамяят олдидаги ўрни ва масъулияти кечагидан таоммила фарқ қилади. Ҳаёт, одамларнинг турмуш тарзи, ўй-фикрлари таоммила ўзгариб кетди. Ҳозир, айтишим мумкинки, биргина Ўзбекистон ёки Қирғизистонда эмас, бутун минтақада, бутун дунёда ўзига хос тозариш жараёни давом этмоқда. Ўзликни англаш, ўзликка қайтиш фасли бораётир. Тамойиллар ҳам, таомиллар ҳам ўзгарди. Миллий, умуминсоний қадриятлар қайтадан қаддини тикламоқда. Қуриб қолаётган, кўзлари ёпиб ташланган бўлоқлар, чашмаларнинг кўзлари очилмоқда. Умумбашарий тафаккур онг-шууримизга сингмоқда. Бундай шароитда адабиёт ўзгармай қолиши мумкинми? Ҳамон эскича ёзиш, кечаги кун ютуқлари билан қаноатланиб ўтириш мумкинми? Мумкин эмас! Адабиёт энди чинакамига халқчил, миллиятпарвар, маънавий тараққиётимизнинг садоқатли хизматкори бўлиши керак. Адабиёт учун, сўз учун шундай бир тарихий имконият вужудга келди. Буни қўлдан бой бермайлик... Марҳамат, ёзинглар, янги романлар, қиссалар, драмалар, шеърый китоблар яратинглар. Бир-бирингиздан ўрганинглар, бир-бирингизнинг энг яхши асарларингизни дунё тилларига таржима қилинглар. Бепарво юраверсак, бир-биримиздан узоқлашиб кетамиз, бир-биримизни тушунмай қоламиз».

Адибнинг бу сўзлари чорак аср аввал эмас, худди кун кеча айтилгандек туолади. Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг қўшни мамлакатлар билан ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий алоқаларга янгича ёндашиш, дўстлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини юқори босқичга кўтариш сиёсати туфайли бугун минтақада кўтаринки руҳ, яхши кайфият ва ҳамжиҳатлик муҳити юзага келди. Давлатимизнинг юксак муқофотлари — «Дўстлик» ва «Буюк хизматлари учун» орденларига сазовор бўлган, халқимизнинг чексиз меҳрини қозонган буюк адиб Чингиз Айтматов таваллуд кунининг мамлакатимиз миқёсида ўтказилиши бу алоқаларни янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ


Чингиз Айтматов асарларини ўзбек тилига таржима қилган фидойи таржимонларимиз:



Асил РАШИДОВ



Оқ кема
Чингиз АЙТМАТОВ



Иброҳим ГОҒУРОВ



ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ
ҚИЁМАТ

ОБОД ҚИШЛОҚ МАНЗУМАСИ

Янги давру замон қасри ўз-ўзидан бино бўлмас, ўз-ўзидан ҳеч бир дилбанд Беруний ё Сино бўлмас. Боболаринг ҳар ҳикматни юрак-бағрин тилиб айтган, Юртингизни обод қилиб яшанглар деб билиб айтган. Ёмғир билан ер кўқарар, тинчлик билан эл кўқарар, Эл оғирин эр кўтарар, эр йигитни эл кўтарар. Юрт қўеши — юрт бошида, юртнинг тоғу тошидадир, Эл бошига тушган юмуш элбошининг бошидадир. Тонг саҳардан кўрган йўлинг чою ошингда пайдо, Аҳволонгдан огоҳдайин — бўлмиш қошингда пайдо. Дарёдайн доим бедор, даврондайин шиддаткор, Эл корига мададқору эл ҳолидан хабардор. Бир онахон айтди у кун: — Болам, кўлдир-да иши, Тиним билмас экан асло, ухлаласкан бу киши... Демак айтгил: Обод қишлоқ — на дастурдир бу дастур? Янги онг ва тафаккурдир, тафаккурдир, тафаккур. Токи ҳар бир хонадонда файз-барака, кут бўлсин, Ҳар оила тинч яшасин, рўзғори ҳам бут бўлсин. Уйлари ҳам, тўйлари ҳам бўлсин доим чарогон, Энг аввало кўнгиллар тўқ, меҳр бўлсин фаровон. Катталари кичиклардан олмасин то хавотир, Кичиклар ҳам катталарин иззат қилсин, юз-хотир. Бу дунёда сендан қолур порлоқ, ёруғ изларинг, Кўз ўнгингда яшнагай то гул-гул ўғил-қизларинг. Инсонлигинг токи топгай бунда қадру эътибор — Бу мамлакат мустаҳкамдир, Бу мамлакат — устувор. Кўрдим бунда беҳад кўркам замоннинг биносини, Англадингми, дўстим сен ҳам «Манас»нинг маъносини?.. Демак сен ҳам ўз юртингни тафаккур қил, тафаккур, Бедор бўлгил, бедор бўлгил, бедор бўлгил бир умр! Умринг ўтар Ўрикисой сувларидай шарқираб, Изларингдан нурлар қолсин, йўллар қолсин яриқираб. Боққил, тошқин дарё мисол уйғонмиш бир халқ букун, Халқинг учун сен ҳам уйғон, тошқин солгин, қалқ букун! Мен ҳам замон суръатидан гоҳ еру гоҳ фалакман, Ваъда берган достонимни битказолмай ҳалакман. Гарчи ғирром тузумлардан оху вой чекиб келдим, Қанча ўру қирлар, қанча балчиқ-лой кечиб келдим — Англадимки, бу оламда юрт танҳо, Ватан танҳо, Хаёлимни банд этган шул бог танҳо, чаман танҳо! Эсгандайин бўлди ногоҳ жаннатларнинг шамоли, Очилди-ку кўз ўнгимда бир гўзал юрт жамоли. Остонадан бошлангайдир асли таълим-тарбият, Ахлоқ-одоб дарслари ҳам маърифат, маънавият. Қирқ беш кунда пайдо бўлмиш кўз олдингда зап шаҳар, Бу мўъжиза қайдан келди, уйладингми, ҳамшаҳар? Дунёдир бу — турфа одам, пасту баланд турмушдир, Кимлар Расадхона, кимлар ҳасадхона қурмишдир. Сўз биносин қурган зотлар, жонлар Сизга садаво, Устоз Абдулла Ориф ҳам Чингиз Айтматов оға! Сиз энг қийин замонларнинг заққумларин ютгансиз, Элингизга шон келтириб, эл учун жон тутгансиз. Гўё ҳаргиз ўлмагансиз — худди иссиқ нафасдай, Суратлардан қарайдурсиз Алпомишдай, Манасдай. Ўхшайдурсиз мангу сўнмас маънавий қўёшларга, Буюк ибрат мактабидай Сиз бугунги ёшларга. ...Уч минг, тўрт минг хонадондан таралгай меҳр иси, Беш юз чевар қиз-жувоннинг ёришганда чехраси. Не-не зулмат асрларни қаламим-ла ағдардим, Мен шеъримга нур-зиёни шу уйлардан ахтардим. Обод қишлоқ, бир кўчанга қанча кўрку тароват, Қанча орзу-ҳавас бордир, қанча файзу фароғат. Бир гўшангда дуо айлар мушфиқ онажонларим, Токи қанот ёзсин дея мурғак полапонларим. Ойланг тинч, Ватанинг тинч, демак, ухла болам, тинч, Ширин, сокин тушларингдай бўлсин рўйи олам тинч. Шавкатли эл фарзандисан — дуоғўйинг шу элдир. Ўз элингга шаън келтиргил, шараф келтир, шон келтир. Бир кўнгилни шод айламоқ мушул эрур бағоят, Бутун элни обод қилмоқ мардликдир ҳам матонат. Бу хислатлар пойқадами кутлуғларнинг ишидир, Ўз халқини рози қилмоқ улугларнинг ишидир.

8.9.04.2018 й.

Ўстоз А. Опиное сатрлари

Тошкент шаҳар Олмасор туманида рўйхатдан ўтган «ORB FOOD» масъулияти чекланган жамяяти (ОКПО 26816147), (ИНН 304565694)

ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Телефон: +99893 405-88-61

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти жамоаси бўлим мудири, профессор Дилором Алимовага опаси

Саодат ХОДЖАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438. 11551 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 00:10.

Topshirilgan vaqti — 02:20.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6